XALQ DEPUTATLARI ANDIJON SHAHAR KENGASHI QARORI

2022 - yil 26 - sentabr VI-33-53-1-29-K/22 Andijon shahar hokimligi

Андижон шаҳридаги айрим маҳаллаларини бўлиш, уларнинг чегараларини белгилаш, собиқ маҳаллалар ҳудудида янги ташкил этилаётган маҳаллаларга ном бериш тўғрисида

Андижон шаҳар “Соғлом авлод”, “Ўзбегим”, “Фаробий”, “Ёйилма”, “Мустакиллик”,“Андижон”, “Кўшарик”, “Бунёдкор”, “Гумбаз”, “Жумабозор”, “Хурсандлик”МФЙ маҳаллаларини бўлиш, уларнинг чегараларини белгилаш, собиқ маҳаллалар ҳудудида янги ташкил этилаётган маҳаллаларга ном бериш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Маҳаллий давлат ҳокимияти” тўғрисидаги, Географик объектларнинг номлари тўғрисидаги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш,уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 48-сонли қарорига асосан халқ депутатлари шаҳар Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Андижон шаҳар ҳокимининг шаҳардаги “Соғлом авлод”, “Ўзбегим”, “Фаробий”, “Ёйилма”, “Мустакиллик”,“Андижон”, “Кўшарик”, “Бунёдкор”, “Гумбаз”, “Жумабозор”, “Хурсандлик” МФЙ маҳалла фуқаролар йиғинларининг илтимосномаларига асосан юқорида келтирилган маҳаллаларини бўлиш, уларнинг ҳар бирининг ҳудудида иккитадан маҳаллани ташкил этиш, маҳаллаларнинг чегараларини белгилаш, янги ташкил этилаётган маҳалларга ном бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Андижон шаҳридаги “Соғлом авлод”, “Ўзбегим”, “Фаробий”, “Ёйилма”, “Мустакиллик”,“Андижон”, “Кўшарик”, “Бунёдкор”, “Гумбаз”, “Жумабозор”, “Хурсандлик” маҳаллаларининг раислари томонидан шаҳар ҳокими номига ёзган илтимосномалари ва янгитдан ташкил этиладиган маҳаллаларни молиявий ва ташкилий жихатдан таминлашда имкониятлар етарли эканлиги ҳақидаги шаҳар молия бўлими томонидан Халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши котибиятига чиқарилган хати (илова қилинмокда) асос учун қабул қилинсин.

3. Бўлинадиган ва тузиладиган маҳаллаларнинг чегаралари чизилган ва чегаралар тавсифланган чизмалари тасдиқлансин.

4. Андижон шаҳар Географик объектларига ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш масалалари бўйича комиссияси томонидан тайёрланган янги ташкил этилаётган маҳаллаларга ном бериш тўғрисидаги таклифига вилоят комиссияси томонидан берилган ёзма розилиги ижро учун қабул қилинсин.

5.Андижон шаҳридаги “Соғлом авлод” маҳалласи ҳудуди иккига бўлиниб, маҳаллаларнинг бирини номи “Соғлом авлод” этиб қолдирилсин, янги ташкил этилаётган маҳаллага "Нодирабегим" маҳалласи деб ном берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, 7108 нафар аҳолини ўз ичига олган 1600 та хонадондан иборат худуд “Соғлом авлод” маҳалласи ҳудуди этиб, 5413 нафар фуқаро яшайдиган 1200 тахонадон жойлашган ҳудуд "Нодирабегим" маҳалласи худуди этиб белгилансин.

6. Андижон шаҳридаги “Ўзбегим” маҳалласи ҳудуди иккига бўлиниб, маҳаллаларнинг бирини номи “Ўзбегим” этиб қолдирилсин, янги ташкил этилаётган маҳаллага "Юксалиш" маҳалласи деб ном берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, 5213 нафар аҳолини ўз ичига олган 1256 та хонадондан иборат худуд “Ўзбегим” маҳалласи ҳудуди этиб, 5840 нафар фуқаро яшайдиган 1744 тахонадон жойлашган ҳудуд "Юксалиш" маҳалласи худуди этиб белгилансин.

7. Андижон шаҳридаги “Фаробий” маҳалласи ҳудуди иккига бўлиниб, маҳаллаларнинг бирини номи “Фаробий” этиб қолдирилсин, янги ташкил этилаётган маҳаллага "Узумзор" маҳалласи деб ном берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, 5141 нафар аҳолини ўз ичига олган 1302 та хонадондан иборат худуд “Фаробий” маҳалласи ҳудуди этиб, 3114 нафар фуқаро яшайдиган 608 тахонадон жойлашган ҳудуд "Узумзор" маҳалласи худуди этиб белгилансин.

8. Андижон шаҳридаги “Ёйилма” маҳалласи ҳудуди иккига бўлиниб, маҳаллаларнинг бирини номи “Ёйилма” этиб қолдирилсин, янги ташкил этилаётган маҳаллага "Янги Бўстон" маҳалласи деб ном берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, 3946 нафар аҳолини ўз ичига олган 1082 та хонадондан иборат худуд “Ёйилма” маҳалласи ҳудуди этиб, 4261 нафар фуқаро яшайдиган 1418 тахонадон жойлашган ҳудуд "Янги Бўстон" маҳалласи худуди этиб белгилансин.

9. Андижон шаҳридаги “Мустақиллик” маҳалласи ҳудуди иккига бўлиниб, маҳаллаларнинг бирини номи “Мустақиллик” этиб қолдирилсин, янги ташкил этилаётган маҳаллага "Тинчлик" маҳалласи деб ном берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, 5844 нафар аҳолини ўз ичига олган 1103 та хонадондан иборат худуд “Мустақиллик” маҳалласи ҳудуди этиб, 2763 нафар фуқаро яшайдиган 583 тахонадон жойлашган ҳудуд "Тинчлик" маҳалласи худуди этиб белгилансин.

10. Андижон шаҳридаги “Андижон” маҳалласи ҳудуди иккига бўлиниб, маҳаллаларнинг бирини номи “Андижон” этиб қолдирилсин, янги ташкил этилаётган маҳаллага “Янги Андижон” маҳалласи деб ном берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, 4590 нафар аҳолини ўзичига олган 900 та хонадондан иборат худуд “Андижон” маҳалласи ҳудуди этиб, 4110 нафар фуқаро яшайдиган 854 та хонадон жойлашган ҳудуд “Янги Андижон”маҳалласи худуди этиб белгилансин.

11. Андижон шаҳридаги “Бунёдкор” маҳалласи ҳудуди иккига бўлиниб, маҳаллаларнинг бирини номи “Бунёдкор” этиб қолдирилсин, янги ташкил этилаётган маҳаллага "Бинокор" маҳалласи деб ном берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, 3373 нафар аҳолини ўз ичига олган 912 та хонадондан иборат худуд “Бунёдкор” маҳалласи ҳудуди этиб, 3824 нафар фуқаро яшайдиган 1032 тахонадон жойлашган ҳудуд "Бинокор" маҳалласи худуди этиб белгилансин.

12. Андижон шаҳридаги “Гумбаз” маҳалласи ҳудуди иккига бўлиниб,

маҳаллаларнинг бирини номи “Гумбаз” этиб қолдирилсин, янги ташкил этилаётган маҳаллага "Темур Малик" маҳалласи деб ном берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, 4425 нафар аҳолини ўз ичига олган 641 та хонадондан иборат худуд “Гумбаз” маҳалласи ҳудуди этиб, 3376 нафар фуқаро яшайдиган 459 тахонадон жойлашган ҳудуд "Темур Малик" маҳалласи худуди этиб белгилансин.

13. Андижон шаҳридаги “Жумабозор” маҳалласи ҳудуди иккига бўлиниб, маҳаллаларнинг бирини номи “Жумабозор” этиб қолдирилсин, янги ташкил этилаётган маҳаллага "Қорақўрғон" маҳалласи деб ном берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, 4025 нафар аҳолини ўз ичига олган 550 та хонадондан иборат худуд “Жумабозор” маҳалласи ҳудуди этиб, 3925 нафар фуқаро яшайдиган 495 тахонадон жойлашган ҳудуд "Қорақўрғон" маҳалласи худуди этиб белгилансин.

14. Андижон шаҳридаги “Қўшариқ” маҳалласи ҳудуди иккига бўлиниб, маҳаллаларнинг бирини номи “Қўшариқ” этиб қолдирилсин, янги ташкил этилаётган маҳаллага "Яшнаобод" маҳалласи деб ном берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, 3863 нафар аҳолини ўз ичига олган 1170 та хонадондан иборат худуд “Қўшариқ” маҳалласи ҳудуди этиб, 3014 нафар фуқаро яшайдиган 918 тахонадон жойлашган ҳудуд "Яшнаобод" маҳалласи худуди этиб белгилансин.

15 .Андижон шаҳридаги “Хурсандлик” маҳалласи ҳудуди иккига бўлиниб, маҳаллаларнинг бирини номи “Хурсандлик” этиб қолдирилсин, янги ташкил этилаётган маҳаллага "Илғор" маҳалласи деб ном берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, 5820 нафар аҳолини ўз ичига олган 960 та хонадондан иборат худуд “Хурсандилк” маҳалласи ҳудуди этиб, 3310 нафар фуқаро яшайдиган 481 тахонадон жойлашган ҳудуд "Илғор" маҳалласи худуди этиб белгилансин.

16. Андижон шаҳар ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик масалалари бўйича бош мутахассиси Б.Солиев ўн кунлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигига Географик объектларнинг номлари давлат реестрига киритиш учун тегишли ҳужжатлар юборилсин;

17. Шаҳар ҳокимининг тегишли соҳа ўринбосарлари ва шаҳар молия

бўлими ташкил этилаётган маҳаллаларнинг биноси, ҳодимлари ва ташкилий-техникавий масалаларини ўз муддатида ва қонуний асосда ташкил этсинлар.

18. Шаҳар маҳалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими (М.Қосимов) шаҳар статистика бўлими, давлат кадастрлар палатаси Андижон шаҳар филиали, (Ш.Маннапов), шаҳар қурилиш бошқармаси, (Ғ.Муллаев) ва бошқа ваколатли идора ва ташкилотлар, янги ном билан ташкил этилган маҳаллаларни рўйхатдан ўтказиш, электрон базага тегишли ўзгартиришлар киритиш, маҳаллалар чегараларига ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.

19. Шаҳар ички ишлар бошқармаси (Ш.Назиров) маҳаллаларга янги ном берилганлиги ушбу ҳудудларда яшовчи фуқароларни паспортларига белги қўйишда инобатга олинсин.

20. Ушбу қарор “Андижоннома” газетасида расман эълон қилинсин ва Андижон шаҳар ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

21. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан кучга киради.

22. Мазкур қарорнинг ижроси шаҳар ҳокимининг барча ўринбосарлари, Халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгашининг барча доимий комиссиясига юклатилсин, назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Сессия раиси **Р.Зияев**